


Мутахассислик маълумотларини бошқариш

Мутахассислик яратиш

Мутахассисликлар олий таълим муассасасида кадрлар тайёрланадиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида шакллантирилади. Мутахассисликни яратиш тизим ойнасидан **Talabalar / Mutaxassisliklar** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Мутахассисликни яратиш ойнаси

Мутахассисликни яратиш учун 1-расмда келтирилган ойнадан **+Mutaxassislik yaratish** тугмасини танланг. Натижада мутахассисликни киритиш ойнаси ҳосил бўлади (2-расм). Ушбу ойда қуйидагича маълумотларни шакллантиринг:

- **Ta'lim turi** майдонидан мос равишда бакалавриат ёки магистратура таълим тури танланади;
- **Mutaxassislik** майдонидан классификатордан таълим йўналиши ёки мутахассислик номи танланади (агар сиз қидираётган мутахассислик рўйхатда мавжуд бўлмаса ахборот тизими техник гуруҳига мурожаат қилинг);
- **Turi** майдонидан мутахассислик тоифаси танланади (маҳаллий, кўшма, бўлим ва бошқалардан моси белгиланади)

Барча маълумотлар киритиб бўлингандан сўнг **Saqlash** тугмасини босиш орқали маълумотлар сақланади.



2-расм. Мутахассисликни киритиш

Яратилган мутахассислар рўйхатини кўриш тизим ойнасидан **Talabalar/Mutaxassisliklar** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).

Kod	Nomi	Ta'lim turi	Foal
5110800	Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi	Bakalavr	<input checked="" type="checkbox"/>
5330500	Kompyuter injiniringi ("Kompyuter injiniringi", "AT-Servis", "Axborot xavfsizligi", "Multimedia texnologiyalari")	Bakalavr	<input checked="" type="checkbox"/>
5330700	Axborot texnologiyalarining dasturiy ta'minoti	Bakalavr	<input checked="" type="checkbox"/>
5350100	Telekommunikatsiya texnologiyalari ("Telekommunikatsiyalar", "Teleradioeshittirish", "Mobil tizimlar")	Bakalavr	<input checked="" type="checkbox"/>
5350101	Telekommunikatsiya texnologiyalari (telekommunikatsiyalar)	Bakalavr	<input checked="" type="checkbox"/>
5A350103	Telekommunikatsiya tizimlarining dasturiy ta'minoti	Magistr	<input checked="" type="checkbox"/>
60211500	Cholg'u ijrochiligi (pufama va zarbli cholg'ular)	Bakalavr	<input checked="" type="checkbox"/>

3-расм. Мутахассисликлар рўйхати.

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида ОТМнинг барча мутахассисликлари яратиб чиқилади.

Мутахассисликларни таҳрирлаш

Мутахассисликларни таҳрирлаш учун **Talabalar/Mutaxassisliklar** менюси танланади ва пайдо бўлган ойнадаги мутахассисликлар рўйхатидан тегишли мутахассислик номига босилади. Шундан сўнг мутахассислик маълумотларини таҳрирлаш ойнаси очилади ва тегишли маълумотлар таҳрирланади (2-расм). Ушбу ойнада тегишли таҳрирлашлар бажарилгандан сўнг маълумотларни қайта сақлаш учун **Saqlash** тугмаси босилади.

Мутахассисликларни ўчириш

Мутахассисликларни ўчириш учун **Talabalar/Mutaxassisliklar** менюси танланади ва пайдо бўлган ойнадаги мутахассисликлар рўйхатидан тегишли мутахассислик танланади. Шундан сўнг мутахассислик маълумотларини таҳрирлаш ойнасидаги **O'chirish** тугмасини босиш орқали тегишли мутахассислик ўчирилади (2-расм).

Муҳим!!! Тизимда ўчирилаётган мутахассисликка боғлиқ маълумотлар мавжуд бўлса у ҳолда ушбу мутахассисликни ўчиришга рухсат берилмайди. Бундай ҳолларда мутахассисликни ўчириш учун дастлаб унга боғлиқ бўлган маълумотларни ўчиришга тўғри келади.